

Ўзбекистон Республикаси номидан

Ҳ У К М

2025 йил сентябрь ойининг 12 куни, жиноят ишлари бўйича Олтинсой туман суди, “Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғини биносидан, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи суд раиси Т.Абдуллаев, судья ёрдамчиси Н.Соатовнинг котиблигида, тарафлардан Олтинсой туман прокурорининг катта ёрдамчиси М.Мусурмонов, судланувчи Ж.Эргашов ва унинг ҳимоячиси адвокат П.Хасанов, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарлар Б.Мардонов, Қ.Хафизованинг иштирокида, Эргашов Жамол Маматовичга нисбатан № 1-1910-2501/98-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Эргашов Жамол Маматович (), 2002 йил 12 майда Сурхондарё вилояти Денов туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, ишламайди, муқаддам судланмаган, Сурхондарё вилояти Денов туман “Денов” маҳалласида истиқомат қилади, Денов тумани ИИБ томонидан берилган АВ 000000 серия рақамли фуқаролик паспортига эга, иш бўйича 2025 йил 18 июль куни ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланиб, 2025 йил 19 июль куни “қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни рад қилиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида ажрим чиқарилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2025 йил 28 июль куни олганга,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчиларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи **Эргашов Жамол Маматович**, 2025 йил 29 май куни тахминан соат 21:00ларда, ўзининг бошқарувида бўлган “ВА32106” русумли 75 Т 8888 SA давлат рақамли автомашинаси билан Денов тумани “Денов” маҳалласи ҳудудидан ўтувчи 75 В 000 автомобил йўлининг 7-километридан “Денов-Олтинсой” йўналиши бўйича ҳаракатланиб келиб, йўналиши бўйича йўлнинг ўрта қисмидан чап томонга бурилиш учун тўхтаб турган фуқаро Мардонов Бахтиёр Бабохоновичнинг бошқарувида бўлган “Дамас” русумли 75 L 111 RA давлат рақамли автомашинасининг орқа қисмидан туртиб юбориб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрель кунидаги 172-сонли қарори билан тасдиқланган ва 2022 йил 13 апрель кунидан амалга киритилган амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 73-банди талаблари “ҳайдовчи ўзидан олдинда ҳаракатланаётган транспорт воситаси кескин тормоз берганда, тўқнашиб кетмаслик кафолатини берадиган даражадаги оралик масофани, шунингдек, йўл ҳаракат хавфсизлигини таъминлайдиган ёнланма оралик масофани сақлаш керак”лиги ҳамда 77-бандининг 3-қисмида “ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш пайтида аниқлай олиши мумкин бўлган хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўлиқ тўхташни таъминлайдиган даражада



камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак”лиги кўрсатилган бўлсада, ушбу қоида талабларини қўпол равишда бузиш оқибатида “Дамас” автомашинаси йўлнинг қарама-қарши томонидан ҳаракатланиб келаётган фуқаро Бозоров Хайдар Хасановичнинг бошқарувида бўлган “FAW” русумли 75 К 766 МА давлат рақамли юк автомашинаси билан тўқнашиб, йўл транспорт ходисасига учраган. Натижада “Дамас” автомашинаси ҳайдовчиси Б.Мардонов ва унинг автомашинаси ичида бўлган турмуш ўртоғи Хафизова Қурбонгул Эргашовна ва вояга етмаган ўғли Ботиров Одилбек Бобоевичлар тан жароҳати олишиб туман тиббиёт бирлашмасига мурожаат қилган. Натижада вояга етмаган О.Б.Ботиров тан жароҳати олиб, тиббиёт бирлашмасида вафот этган.

РСТЭИАМ Сурхондарё филиали Денов туман пунктининг 2025 йил 26 июндаги №24-сонли хулосасида, вояга етмаган марҳум Ботиров Одилбек Бобоевичнинг ўлимига бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия лат ейиши оғир даражаси, мия қоринчаларига қон куйилиши, калла гумбазини ташкил қилувчи ўнг чакка суяги ички пластинкасида чизиқсимон синиши, бошининг ўнг чакка тепа соҳасида ва ўнг юзида жароҳати, ўнг ўпка тўқимаси эзилиши, бошини ўраб турган юмшоқ тўқималари лат ейиши, ўнг томонлама гемоторокс, ўпка ва мия шиши, чап тупик суяги ички қисмини ёпиқ синиши ва яраси, танаси кўплаб оғир қўшма тан жароҳатлари оқибати юз берганлиги, юқорида қайд этилган тан жароҳатларнинг оғирлик даражаси бўйича тирик шахсларда ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳатлар деб баҳоланиши кўрсатиб ўтилган.

Судга оид автотехника экспертизасининг 2025 йил 11 июнь кунидаги №195-сонли хулосасида, қарорда келтирилган шароитда “BA32106” русумли 75 Т 8888 SA давлат рақам белгили автомашина ҳайдовчиси амалдаги ЙХҚнинг 73-банди талбаларига қатъий амал қилиш йўли орқали, ҳодисани олдини олиб қолиш имкониятларига эга бўлганлиги, қарорда келтирилган вазият ўтказилган тадқиқотлар ҳажмида кўриб чиқилса, BA32106 русумли 75 Т 8888 SA давлат рақамли автомашина ҳайдовчиси ҳаракатлари ЙХҚнинг 73-банди талабларига зид бўлганлиги кўрсатиб ўтилган.

Судда сўралган судланувчи **Эргашов Жамол Маматович**, у эълон қилинган айбга тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам, у 2021 йилда енгил ва юк автомашиналари бошқариш бўйича ўқиб ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлганлигини, йўл-транспорт ходисаси вақтида бошқарувида бўлган “BA32106” русумли 75 Т8888SA давлат рақамли автомашинани 2024 йилнинг ноябрь ойида Олтинсой тумани “Миршикор” маҳалласида яшовчи Жасур исмли шахсдан 68.000.000 сўмга сотиб олиб, ушбу пулларнинг 64.000.000 сўмини тўлаб, қолган 4.000.000 сўм пулларни бўлиб тўлаб беришга келишиб олганлигини, 2025 йил 29 май куни тахминан соат 21:00ларда ўзининг бошқарувида бўлган “BA32106” русумли 75 Т8888SA давлат рақамли автомашинада бир ўзи Денов тумани марказидан маҳаллага томон тахминан 70-80 км тезликда бошқариб, уйига кетаётганлигини, йўлнинг Денов тумани “Денов” маҳалласи ҳудудидан ўтувчи қисмидан ҳаракатланиб бораётганида олди томонидан тахминан 50-60 метр узокликдан оқ рангли “Дамас” русумли



кейинчалик билишича 75 L 111 LA давлат рақамли автомашинаси йўлнинг ўрта қисмидан чапга бурулиш чирокларини ёқмасдан тўхтаб турганини кўриб, дарҳол тормозни босган вақтида автомашина тормоз босилганича ҳаракатланиб бориб, “Дамас” автомашинасининг орқа қисмидан бориб урулган вақтида “Дамас” автомашинаси бошқарувини йўқотиб қарама-қарши томонга чиқиб кетиб қарама-қарши йўлдан ҳаракатланиб келаётган кейинчалик билишича “FAW” русумли 75 Л 766 МА давлат рақамли автомашинасининг олд қисмига урулиб тўхтаб қолганлигини, шунда у автомашинадан тушмоқчи бўлган вақтида ҳайдовчи томон эшиги шикастланиб ёпилиб қолгани учун уни шу ерга келиб, одамлар йўловчи томон эшикдан чиқариб олганлигини, автомашинадан тушганидан кейин “Дамас” автомашинасида бўлган ҳайдовчиси ва йўловчиларни шу ерда бўлган одамлар тушуриб олишганлигини, кейин шу ерга тез ёрдам машинаси келиб тан жароҳати олган йўловчиларни олиб кетишганлигини, орадан бироз вақт ўтиб шу ерга ЙХХБ ходимлари келишиб, у ва 2 нафар ҳолислар иштирокида ҳодиса содир бўлган жойни чизмасини чизишганлигини, ушбу ҳолат бўйича у ЙХХБ ходимларига тушунтириш хати ёзиб берганлигини ва ўша вақтдан буён Денов тумани тиббиёт бирлашмасида йўл транспорт ҳодисаси натижасида тан жароҳати олиб беҳуш ётган вояга етмаган Ботиров Одилбекнинг олдида бўлиб, у ва ота-онасини тузалишига ёрдам бериб келганлигини, ҳодиса вақтида “Дамас” автомашинасини йўлнинг ўрта қисмидан тўхтаб қайрилиш учун турганини 50-60 метр узоқликдан кўриб тормоз берганлигини, йўлнинг ўнг томони тор бўлгани учун ўта олмаслиги сабабли кескин тормоз беришга қарамай “Дамас” русумли автомашинасининг орқа қисмидан бориб урилганлигини, ҳодиса содир бўлган вақтида автомашинада бир ўзи бўлганлигини, ЙТХга учраган “Дамас” автомашинаси ҳайдовчиси ва йўловчиларини олдиндан танимаслигини, “Дамас” автомашинаси ҳайдовчиси Денов туманида яшовчи Марданов Бахтиёр ака ҳамда йўловчилари ўғли Одилбек ва турмуш ўртоғи Хафизова Қурбонгуллар эканлигини билганлигини, улар билан илгаридан зиддият ва адовати бўлмаганлигини, ҳодиса содир бўлишига йўлнинг бирон бир камчилиги ёки унга нисбатан бирон бир автомашинанинг ножўя хатти-ҳаракати сабаб бўлгани йўқлигини, фақат ҳодисага тезлиги ва чарчаб уйқусираб келаётгани сабаб бўлганлигини, ҳодиса вақтида бошқарувида бўлган “BA32106” русумли 75 T8888SA давлат рақамли автомашина техник соз ҳолатда бўлганлигини, автомашина 2015 йилда ишлаб чиқарилганлигини, умуман спиртли ичимлик истеъмол қилмаслигини, ҳодиса вақтида спиртли ичимлик ёки гиёҳванд, психотроп модда истеъмол қилмаганлигини, ҳодиса вақтида автомашинаси тормозини кескин босганлигини, шу сабабли автомашина сирпаниб бориб “Дамас”нинг орқа қисмига урулиб кетганлигини, йўл-транспорт ҳодисасини ундан ташқари яна кимлар кўрган-кўрмаганлигини билмаслигини, лекин ҳодисадан сўнг шу ерда яшовчи одамлар кўчага чиқиб келишиб тан жароҳати олганларга ёрдам беришганлигини, автомашинасида видеоқайд этиш мосламаси мавжуд эмаслигини, шу сабабли тақдим қила олмаслигини, унинг бошқарувида бўлган “BA32106” русумли 75 T8888SA давлат рақамли автомашина ўзига тегишли бўлиб, ушбу автомашинани ўзини номига ўтказмаганлигини, бироқ ҳайдаш



хуқуқини берувчи ишончнома расмийлаштириб олганлигини, йўл-транспорт ҳодисасини содир этганидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, кимга тан жароҳат етказган бўлса, барча харажатларни қоплаб берилганлигини, жабрланувчиларга етказилган тан жароҳатлари бўйича соғлиғини тиклаш учун кўлидан келгунча ва ҳозиргача моддий харажатлар килиб келаётганлигини, О.Ботировга ҳам соғлиғини тиклаш учун харажатлар қилишига қарамасдан, барибир кейинчалик касалхонада вафот этганлигини, дафн этиш билан боғлиқ харажатларни ҳам қоплаб берганлигини, яна кейинчалик ҳам харажатлар қилишга тайёр эканлигини, бундан бўйин товламаслигини, жабрланувчиларни даъвоси йўқлигини инобатга олиб, суддан унга нисбатан енгиллик беришни сўради.

Судда сўралган жабрлаувчи ва фуқаровий даъвогар **Мардонов Бахтиёр Ботирович**, ҳақиқатдан ҳам, у 2025 йил 29 май куни тахминан соат 19:30ларда ўзининг номида бўлган “Дамас” русумли 75 L 111 RA давлат рақамли автомашинасида турмуш ўртоғи Хафизова Қурбонгул ва ўғли Ботиров Одилбеклар билан биргаликда Денов тумани “Денов” маҳалласида яшовчи қайнонаси Эшқобилова Зулфиянинг яшаш уйига бориш мақсадида Денов туманидан йўлга чиққанлигини, автомашинанинг олди йўловчи ўриндиғида ўғли О.Ботиров, орқа ўриндиғида яъни унинг орқа томонида турмуш ўртоғи Қ.Хафизова ўтириб келаётганлигини, шу куни тахминан соат 21:00ларда Денов тумани “Денов” маҳалласи ҳудудидан ўтувчи автомобил йўлидан “Денов-Олтинсой” йўналиши бўйича бошқариб бориб қайнонасининг яшаш уйи йўлининг чап томонида бўлгани учун уйининг қарама-қарши томонигача чапга бурилиш чироқларни ёққанича ҳаракатланиб олди томонидан кейинчалик билишича “FAW” русумли 75 K 766 MA давлат рақамли автомашинаси “Олтинсой-Денов” йўналиши бўйича ҳаракатланиб келаётганини кўриб ушбу автомашинани ўтказиб юбориш мақсадида йўлнинг ўрта қисмига тўхтаб турган вақтида бироз яъни 5-6 секунд ўтиб орқа томонидан “BA32106” русумли автомашинаси катта тезликда олди томонидан келаётган автомашиналарни қувиб ўтиб келиб, унинг автомашинаси орқа қисмига қарсиллаб урилган вақтида олди томонида келаётган “FAW” русумли 75 K 766 MA давлат рақамли автомашинаси олдида автомашинаси билан урулганини билишини, кейин хушидан кетгани учун нима бўлганини билмаслигини, кўзини очганида касалхонада ётган эканлигини, ундан ташқари ҳодиса вақтида ўғли О.Ботиров ва турмуш ўртоғи Қ.Хафизова ҳам тан жароҳати олган эканлигини, кейин касалхонада турмуш ўртоғи билан ётиб даволаниб чиққанлигини, бироқ ўғли ўзига келмасдан касалхонада ётиб, кейинчалик олган тан жароҳатлари билан касалхонада вафот этганлигини, у йўлнинг ўрта қисмида чапга бурилиш чироқларини ёқиб олдида қарама-қарши йўналишдан ҳаракатланиб келаётган “FAW” русумли 75 K 766 MA давлат рақамли автомашинани ўтказиб юбориш учун тўхтаб турганлигини, шу вақтида кимлар кўрган-кўрмаганини билмаслигини, сабаби ўша вақтда атроф қоронғу ҳолатда эканлигини, ушбу йўл транспорт ҳодисаси натижасида боши, пешонаси, юз соҳаси, ўнг кўли ва ўнг оёғидан тан жароҳати олганлигини, ҳодисадан олдин орқа томонидан ҳаракатланиб келиб автомашинага тўқнашган “BA32106” автомашинасини орқа томонида автомашиналарни



кувиб ўтиб келиб, автомашина орқа қисмига тўқнашганини кўрганлигини, хайдовчи Ж.Эргашовга нисбатан даъвоси йўқлигини, унга етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ қоплаб берилганлигини, бошқа автомашина олиб берганлигини, шу сабабли судланувчига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўради.

Судда сўралган жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар **Хафизова Қурбонгул Эргашовна**, ҳақиқатдан ҳам, у 2025 йил 29 май куни соат тахминан 19:30ларда Денов тумани “Денов” маҳалласида яшовчи онаси Эшқобилова Зулфиянинг соғлиги бўлмагани учун хабар олиш мақсадида турмуш ўртоғи Мардонов Бахтиёрнинг бошқарувида бўлган “Дамас” русумли 75 L 111 RA давлат рақамли автомашинада турмуш ўртоғи ва ўғли Ботиров Одилбеклар билан Денов туманидан йўлга чиққанлигини, автомашинанинг олд йўловчи ўриндиғида ўғли О.Ботиров, орқа ўриндиғида ўзи ўтириб келаётганлигини, шу куни тахминан соат 21:00ларда Денов тумани “Денов” маҳалласи худудидан ўтувчи автомобил йўлидан “Денов-Олтинсой” йўналиши бўйича бориб, онасининг яшаш уйи йўлининг чап томонида бўлгани учун уйининг қарама-қарши томонигача чапга бурилиш мақсадида тўхтаб олдидан келаётган автомашинани ўтказиб юбориш учун кутиб турганида орқа томонидан қандайдур автомашина келиб қарсиллаб урилганини билишлигини, кейин хушидан кетгани учун нима бўлганини билмаслигини, кўзини очганида касалхонада ётган эканлигини, ундан ташқари ҳодиса вақтида ўғли О.Ботиров ва рулда турмуш ўртоғи Б.Мардонов ҳам тан жароҳати олган эканлигини, кейин касалхонада турмуш ўртоғи билан ётиб даволаниб чиққанлигини, бироқ ўғли ўзига келмасдан касалхонада ётиб, кейинчалик вафот этганлигини, ҳодиса вақтида автомашинанинг рул бошқарувида турмуш ўртоғи Б.Мардонов, ўғли вояга етмаган О.Ботиров олди ўриндиғида, орқа ўриндиғида эса ўзи ўтирганлигини, у ушбу йўл транспорт ҳодисаси қандай бўлганини кўрмаганлигини, бироқ йўлнинг ўрта қисмида чапга бурилиш учун олди томонидан келаётган автомашинани ўтказиш учун тўхтаб турганлигини, орқа томондан қандайдур автомашина ҳаракатланиб келиб урилганини билишини, хушимдан кетгани учун кейин нима бўлганини билмаслигини, ушбу йўл транспорт ҳодисасини ундан ташқари автомашинада бўлган ўғли ва турмуш ўртоғим кўрган бўлиши мумкинлигини, чунки атрофда кимлар кўрган кўрмаганини билмаслигини, сабаби ўша вақтда атроф қоронғу ҳолатда эканлигини, ушбу йўл транспорт ҳодисаси натижасида чап оёғи сон қисмидан тан жароҳати олганлигини, ҳозирда судланувчи етказилган моддий зарарни қоплаб берилганлигини, бошқа автомашина олиб берганлигини, шунинг учун судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини, судланувчига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Тарафлардан эътироз бўлмагач, фуқаровий даъвогар **Бозоров Хайдар Хасановичнинг** берган аризаси бўйича тергов даврида берган кўрсатмалари ҳамда судланувчи Ж.Эргашов етказган моддий ва маънавий зарарни қоплаб берганлиги, унга даъвоси йўқлиги, шу сабабли қонуний енгиллик бериш ҳақида аризаларини ўқиб эшиттирилганда, судланувчи Ж.Эргашов фуқаровий даъвогар Х.Бозоровнинг кўрсатмаларини тўлиқ қўллаб-қувватлади.



Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи Ж.Эргашовнинг химоячиси адвокат П.Хасановнинг фикрини тинглаб, Ж.Эргашовнинг айби ўзининг иқрорлик кўрсатуви, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб, Ж.Эргашовнинг айби ўзининг тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, жиноят ишида тўпланган қуйидаги хужжатлари билан, яъни

-Воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, унга илова қилинган чизма ва фотосуратлар;

-Суд тиббиёт экспертизасининг “вояга етмаган О.Ботировнинг ўлими бош мия жароҳати, бош мия лат ейиши оғир даржаси, мия қоринчаларига қон қуйилиши, калла гумбазини ташкил этувчи ўнг чакка суяги ички пластинкасида чизиқсимон синиши, бошнинг ўнг чакка тепа соҳасида ва ўнг юзида жароҳати, ўнг ўпка тўқимаси эзилиши, бошини ўраб турган юмшок тўқималар лат ейиши, ўнг томонлама гемоторакс, ўпка ва мия шиши, чап тупик суяги ички қисмини ёпиқ синиши ва яраси, танаси кўплаб оғир қўшма тан жароҳатлари оқибатида юз берганлиги, юқоридаги қайд этилган жароҳатлар оғирлик даражаси бўйича тирик шахсларда ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳатлар деб баҳоланиши” тўғрисидаги 2025 йил 26 июнь кунидаги № 24-сонли хулосаси;

-Судга оид автотехника экспертизасининг “Қарорда келтирилган шароитда “ВА32106” русумли 75 Т 8888 SA давлат рақам белгили автомашина ҳайдовчиси амалдаги ЙХҚнинг 73-банди талбаларига қатъий амал қилиш йўли орқали, ҳодисани олдини олиб қолиш имкониятларига эга бўлганлиги, қарорда келтирилган вазият ўтказилган тадқиқотлар ҳажмида кўриб чиқилса, ВА32106 русумли 75 Т 8888 SA давлат рақамли автомашина ҳайдовчиси ҳаракатлари ЙХҚнинг 73-банди талабларига зид бўлганлиги” тўғрисидаги 2025 йил 11 июнь кунидаги №195-сонли хулосаси;

-Тушунтириш хатлари ва жиноят ишида мавжуд бўлган суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси тартибида текширилган далиллар билан ўз тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан Ж.Эргашовнинг транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати қоидаларини бузиши натижасида эҳтиётсизлик орқасидан одам ўлишига сабабчи бўлишда ифодаланган ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ж.Эргашовга жазо тури ва миқдорини белгилашда унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчиларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаб берилганлиги, уларнинг даъвоси йўқлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, унинг ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишнинг олдини олиш учун зарур ва етарли бўлган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги”, ушбу Кодекснинг 8-моддасида



“Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги” кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сонли Қарорининг 25-бандида “Судлар йўл-транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндошув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг ҳатти-ҳаракатига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиги ва ҳ.к.) ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шартлиги” ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги (Пленумнинг 2014 йил 23 майдаги 8-сонли Қарорига асосан киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар билан) “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида “жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги”, 5-бандида эса “Судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари кераклиги” ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Ж.Эргашовга нисбатан жазо тайинлашда содир этилган қилмишнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилигини, қилмиш натижасида одам ўлимига сабабчи бўлганлигини, шу билан бирга унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишдан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчиларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаб берилганлиги, уларнинг даъвоси йўқлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда юқоридаги Олий суд Пленумининг раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, судланувчининг ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш, унинг тўғри йўлга қатъий ўтиши учун жазодан кўзланган мақсадга эришиш учун зарур ва етарли бўладиган жазо тайинлаш орқали ЖКнинг 42-моддасида кўрсатилган жазонинг мақсадига эришишни назарда тутиб, шу тайинланаётган асосий жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш ва қайта тарбиялаш мумкин деган қатъий фикрга келиб,



ЖКнинг 266-моддаси 2-қисмида назарда тутилган барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни, ЖКнинг 62-моддаси тартибида, ушлаб туриш ва уй қамоғида бўлган кунини тайинланган асосий жазо, яъни озодликдан маҳрум қилиш жазодан чегирилиб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси қолдиришни, унга, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддасига асосан, жазо шартли деб, синов муддати белгилашни, белгиланган синов муддати ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисоблашни, тайинланган барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш қўшимча жазоси ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисоблашни, яшаш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб боровчи органга хабар бериб туриш ҳамда ҳар ойнинг 15 санаси куни келиб ушбу органларда рўйхатдан ўтиб туриш каби мажбуриятлар юклатишни, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси Ўзбекистон Республикаси Жиноят – ижроия кодексининг 21–моддасига асосан, унинг хулқи устидан назорат олиб бориш унинг яшаш жойидаги Денов туман ИИО Пробация гуруҳи томонидан амалга оширишни, судланувчига Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддаси 6-қисмига асосан, агар у синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса суд унинг хулқи устидан назорат олиб боровчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкинлиги ҳамда ЖКнинг 72-моддаси 8-қисмига асосан, у синов муддати давомида янги жиноят содир этса, суд унга нисбатан ушбу ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинланиши мумкинлиги тушунтиришни, ЖКнинг 61-моддаси 2-қисми тартибида барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси реал тарзда ижрога қаратишни ҳамда унга нисбатан қўлланилган “уй қамоғи” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилишни ва у суд мажлиси залидан дарҳол озод қилишни лозим топди.

Суд, моддий зарар масаласини муҳокама қилиб, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарлар Б.Мардонов, Қ.Хафизова ва Х.Бозоровларни даъвоси йўқлигини эътироф этишни;

тарафларга етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан келгусида низо келиб чиқса, ушбу масалада фуқаролик судлов тартибида мурожаат этиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтиришни лозим топди.

Юқорида баён қилинганларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473, 497¹-497⁵, 499-500-моддаларини қўллаб, суд

Х У К М Қ И Л Д И:

Эргашов Жамол Маматович () Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси

2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ж.Эргашовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан 2 (икки) йил муддатга барча турдаги транспорт воситаларини



бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 3 (уч) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида, 2025 йил 18 июль кунидан 12 сентябрь кунига қадар ушлаб туриш ва уй қамоғида бўлган жами 45 кунини тайинланган асосий жазо, яъни озодликдан маҳрум қилиш жазодан чегирилиб, Ж.Эргашовга ўташ учун 2 (икки) йил 10 (ўн) ой 15 (ўн беш) кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси қолдирилсин.

Ж.Эргашовга, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддасига асосан, жазо шартли деб, 2 (икки) йил синов муддати белгилансин.

Ж.Эргашовга белгиланган синов муддати ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ж.Эргашовга тайинланган барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш қўшимча жазоси ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Ж.Эргашов яшаш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органга хабар бериб туриш ҳамда ҳар ойнинг 15 санаси куни келиб ушбу органларда рўйхатдан ўтиб туриш каби мажбуриятлар юклатилсин.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси Ўзбекистон Республикаси Жиноят – ижроия кодексининг 21–моддасига асосан, Ж.Эргашовнинг хулқи устидан назорат олиб бориш унинг яшаш жойидаги Денов туман ИИО Пробация гуруҳи томонидан амалга оширилсин.

Судланувчи Ж.Эргашовга Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддаси 6-қисмига асосан, агар у синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса суд унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкинлиги ҳамда ЖКнинг 72-моддаси 8-қисмига асосан, у синов муддати давомида янги жиноят содир этса, суд унга нисбатан ушбу ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинланиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддаси 2-қисми тартибида, барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси реал тарзда ижрога қаратилсин.

Унга нисбатан қўлланилган “уй қамоғи” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва Ж.Эргашов суд мажлиси залидан дарҳол озод қилинсин.

Жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарлар Б.Мардонов, Қ.Хафизова ва Х.Бозоровларни даъвоси йўқлиги эътироф этилсин.

Тарафларга етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан келгусида низо келиб чиқса, ушбу масалада фуқаролик судлов тартибида мурожаат этиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали апелляция тартибида Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция судлов хайъатига ва ҳукм қонуний кучга кирганидан



кейин кассация тартибида Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича кассация судлов ҳайъатига шикоят бериши ёки протест билдиришлари мумкин.

Раислик этувчи:

имзо

Т.Абдуллаев

Ҳукм аслига тўғри, суд раиси:

Ҳужжат имзоланган: Абдуллаев Тўлқин Бектемирович, 29.09.2025

